

**БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ҒАЛЛАДАН ЮҚОРИ  
ХИРМОН КЎТАРИШИ ЗАМИНИ**

*Жанубий деҳқончилик ИТИ Ўсимликларни ҳимоя қилиш*

*лабораторияси мудири қ/х.ф.ф.д., к.и.х.*

***Амиркулов Отабек Сайдуллаевич***

***АННОТАЦИЯ:*** Мақолада галлазорлардаги ҳосилни касалликлар, бегона ўтларлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилишининг энг муҳим аҳамияти ҳамда галла майдонларидаги бегона ўтларга, касалликларга ва зараркунандаларга қарши кураш ҳамда тавсия этилган чора-тадбирлари кўрсатилган.

***Калит сўзлар;*** Галла, замбуруз, зараркунанда, бугдой, ҳашарот, экин, галла, кураш, самара, касаллик, бегона ўт, ҳосил, етиштириш, дон, гектар.

***АННОТАЦИЯ:*** В статье подчеркивается важность защиты сельскохозяйственных культур от болезней, сорняков и вредителей, а также борьба с сорняками, болезнями и вредителями на зерновых полях и рекомендуемые меры.

***Ключевые слова;*** Зерно, грибок, вредитель, пшеница, насекомое, урожай, зерно, борьба, фрукты, болезни, сорняки, урожай, выращивание, зерно, акр.

***ANNOTATION:*** The article emphasizes the importance of protecting crops from diseases, weeds and pests, as well as weed, disease and pest control in grain fields and recommended measures.

***Key words;*** grain, fungus, pest, wheat, insect, crop, grain, struggle, fruit, disease, weeds, crop, cultivation, grain, acre.

Ғалла майдонларини ҳимоя қилишда ва қарши курашда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Бу йилги об-ҳавонинг очик ва илиқ келиши хаво харорати исиб бориши ғалла майдонларида бегона ўтларнинг униб чиқиш ва авж олиб ривожланаётганлиги кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида кузги бошоқли дон экинлари экилган майдонларда кучли бегона ўт босган ва босиши мумкин бўлган ғалла майдонларини зудликда аниқлашни талаб этади. Ҳамда мутахассислар томонидан мониторинг ўтказишга эътиборни янада кучайтириш ҳамда қарши кураш чора-тадбирларни зудлик билан бажарилиши кераклигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси бўйича устувор вазибаларида белгиланишига кўра, кузги бошоқли дон экинларида учрайдиган бегона ўтларга қарши гербицидларни мақбул муддатларда қўллаш ва самарали химоя чора-тадбирларини ишлаб чиқиш асосида кузги бошоқли дон экинлари ҳосилини 100 центнерга ошириш учун хизмат қилади.

Республикамиз ҳудудларида ғалла ҳосилдорлигини ошириш суғориладиган ғалла майдонларда учрайдиган бир паллали ва икки паллали бегона ўтларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш орқали уларнинг ўсув даврларида тавсия этилган гербицидларни қўллаш ва йўқотиладиган дон ҳосилдорлигини сақлаб қолиш бугунги кунда муҳим долзарб ҳисобланади.

Ш.Т.Хўжаев (2018) ёзишча, жамиятда, жумладан Ўзбекистонда, деҳқончилик узок ўтмишлардан бошланиб, ўз тараққиётида эволюцион ўзгаришларга муносиб равишда ривожланиб келган. Яқин ўтмишга (XX аср) назар ташласак, деҳқончилик ва унинг ҳосилдорлиги ўсимликларни турли зарарли организмлардан, жумладан бегона ўтлардан химоя қилиш муваффақияти билан боғланиб келган [1].

Охирги йилларда Республикамиз суғориладиган ғалла майдонларида бир йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтлар кескин кўпайиши маълум бўлмоқда [2]. Бегона ўтлар зарари ғаллада 11,9 %, дуккакли дон экинларида 15,5 %, зиғирда 11,5 %, қанд лавлагида 9,0 %, пахтада 8,1 %,

картошкада 7,0 %, сабзавотда 11,0 %, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда 10,3 % ҳосилдорлигини камайишига олиб келмоқда [3].

Буғдой етиштириш илғор технологияларга амал қилиш бегона ўтларга қарши кураш чора-тадбирларни кечиктирмасдан ўтказиш ҳисобга 20 фоиздан 70 фоизгача дон ҳосилни сақлаб қолиниши аниқланган [4]. Олимлар томонидан кузги бошоқли дон экинлари экилган далаларда 14 та оила ва 18 та турларга мансуб бегона ўтлар ривожланаётганлигини қайд қилиб ўтишган [5].

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, 1 м<sup>2</sup> майдонда ривожланаётган 1 туп ёввойи сули 10-12 центнер ҳосилни камайтириб катта иқтисодий зарар келтиришини, агарда бегона ўтлар 1 м<sup>2</sup> майдонда 5-10 дона бўлса, шу жойда ғалла ўсимлиги 50% ривожланмай қолишини ҳамда ғалла ҳосили ва дон сифати 10-50% га пасайишини таъкидлашган.

Тадқиқотларда ғалла майдонларида ўсиб ривожланадиган ёввойи сули, ёввойи перко (сарик гул), ёввойи арпа, гандумак, юлдузча ўт, тулки дўм, кушқунмас итқунок, курмак, райгрес каби кўпгина бегона ўтлари буғдой ўсимлигига нисбатан сув ва азотли минерал ўғитларни 55-60 марта кўп ўзлаштириб олиши аниқланган.

Кузги бошоқли дон экинларида гербицидлар қўллашни энг мақбул бўлган даври бу бегона ўтлар ривожини 3-4 баргли ўсиш даври ҳисобланади, бу вақтда бегона ўтларнинг фаол ўсиши кузатилади ва улар нимжон бўлиб қўлланилган препаратлари таъсирига ўта чидамсиз бўлади.

Шуни айтиш жоизки, бегона ўтларнинг ер ости ва ер устки органлари маданий экинларга нисбатан жуда тез ўсиб ривожланиши, ғаллага берилган минерал озуканинг 65-70 фоизи, сувнинг 55-60 фоизини ўзлаштириб, ғалла ҳосили ва дон сифатига салбий таъсирни кўрсатади.



**Ишлов ўтказилмаган  
майдон**



**Ишлов ўтказилган  
майдон**

**Бегона ўтлардан химоя қилиш бўйича агротавсиялар:**

**Биринчидан;** Қишлоқ хўжалиги бўлимлари ва Ўсимликларни карантини ва химояси ташкилоти мутахассиси, агрономлари ҳамда ғалла етиштиришга маъсул ходимлардан иборат мониторинг ишчи гуруҳи ва ЎХҚ отрядлари ва кимёвий ишлов ўтказиш графигини ишлаб чиқиш;

**Иккинчидан;** мониторинг ишчи гуруҳ томонидан бегона ўтлар тарқалган ғалла контурларини аниқлаш ва кимёвий ишловни эрта баҳорда биринчи шу контурлардан бошлашни ташкил этиш;

**Учинчидан;** ишлаб чиқилган ЎХҚ отрядларларга бириктирилган штангали ва ОВХ пуркагич мосламаларини ишчи ҳолатига келтириб тайёрлаш;

**Тўртинчидан;** гербицидларни сепишда ОВХ пуркагичларига тоза ва чучук сувлардан фойдаланишга қатъий риоя қилиш;

**Бешинчидан;** бу йилги об-хаво шароитини ҳисобга олиб, тўртлик аралашма аралаштиришда сувда эрувчан гранула → намланувчан кукун → сувда дисперсияланувчи гранула → суспензия концентрати → эмульсия концентрати → сувда эрувчи концентрат → сувли эритма қуйидаги кетма-кетликка қатъий риоя қилиш;

**Олтинчидан;** бегона ўтларга қарши гербицидларни қўллашда биринчи навбатда хаво очик, шамол тезлиги 3 метр секундан ошмаслиги, хаво харорати ўртача 10-15<sup>0</sup>С ва нисбий намлик 55-60 фоиздан кам бўлмаслиги, ОБХ-ишлатишдан олдин далада хронометраж ҳисоб китоб ишларини ўтказиш сўнг гербицидларни сепишни ташкил қилиш;

**Еттинчидан; бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши Atlantis 0,25-0,3-1 л/га, Intostar plyus 75% -30 гр/га, Into raygras 3,6 % - 0,25-0,3 л/га Винстар 75% с.д.г. 15-20 г/га, “Тайфун” 75% қ.о.сус 20 г/га, “Гранстар про” 75% қ.о.сус. 15-20 г/га, Энтостар 75% с.д.г. 15-20 г/га, бошоқли бегона ўтларга қарши Ximpik - 0,1 – 0,15 гр/га, Pinoks 5 % - 0,2-0,3 л/га, Энтотик 8 % - 0,3-0,4 л/га Атлантис 3,6% с.д.г. 0,25-0,30 кг/га, Грамин 8% эм.к 0,3-0,4 кг/га, Клоди стар 24% н.кук 0,15 кг/га, Старлантис 3,6% с.э.г. 0,3 кг/га сарф меъёрадаги гербицидлардан биронтасини қўллаш тавсия қилинади.**

**Хулоса қилиб шунини айтиш жоизки,** Республикада кузги бошоқли дон экинларини экиб етиштириш ва улардан юқори дон ҳосили олиш ҳамда йўқотиладиган ҳосил ва дон сифатини сақлаб қолишда, юқорида кўрсатилган тавсияларга асосан бегона ўтларга қарши самарали химоя қилиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш кузги бошоқли дон экин майдонларидан мўл ҳосил олишга замин яратади.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Қишлоқ хўжалиги экинлари зарарли организмларига қарши кураш воситалари. – Агробанк 97 китоб, 2021. – Б.17.
2. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни уйғунлашган химоя қилиш тизими ва унинг таркибидаги биологик усулнинг тузулиши ва моҳияти. – Тошкент, 2018. – Б. 3-4.
3. Эрматов А.Қ. Суғориладиган ерлардаги бегона ўтлар ва уларга қарши кураш. Т: Меҳнат. – 1987. – Б. 6 -10.
4. Сулаймонов Б.А., Абдуалимов Ш.Х., Тиллаев Р.Ш. Пахта етиштириш. / 100 китоб тўплами-13 китоб. – Т.: 2021. Б. 42-43.

5. Бухоров К. Буғдойзорларда учрайдиган бегона ўтларнинг турлари. / Ж. Агро химоя ва ўсимликлар карантини. – Тошкент. – 2019. №2. Б. 22-23.